

**ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРИ ВА АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11397514>

Исмоилова Феруза Истроиловна

Тошкент Давлат иқтисодиёт

университети талабаси

Аннотация. Мазкур мақола молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон амалиётига жорий этиши масалаларига бағишланган бўлиб, мазкур стандартларнинг мазмуни, аҳамияти, уларни амалиётда қўллаш имкониятлари, уларни амалиётга жорий этиши муаммолари ва уларни қўлланилмаслиги оқибатлари баён этилган.

Калим сўзлар. Молиявий ҳисобот, аудит, аудиторлик ташкилотлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, аудитнинг халқаро стандартлари, аудиторлик амалиёти, аудиторлик хизматлари, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари, молиявий ҳисобот трансформацияси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ, 2021 йил 1-январдан бошлаб Ўзбекистон республикасида фаолият кўрсатувчи акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда МҲҲС) асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этишлари ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲҲС асосида тайёрлашлари белгилаб қўйилди. Бироқ мазкур соҳада кўплаб ислоҳотлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, МҲҲС асосида молиявий ҳисоботни шакллантириш ва улар

аудитини ўтказиш бўйича эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд.

Мазкур соҳа бўйича аудит тизими олдидағи ўз ечимини кутаётган масалалар шундан иборатки, МҲҲС асосида тузилган молиявий ҳисбот қандай тартибда аудиторлик текширувидан ўтказилиши ва буни амалга ошириш учун аудиторлар қандай малака талабларига жавоб бериши лозим каби жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон аудиторлик амалиётида 2021 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ти қонуннинг 29-моддасига мувофиқ “аудиторлик текширувини ўтказишга доир аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда АҲС) талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътиrozларига асос бўлган қонунчилик ҳужжатлари нормалари ҳақидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан тақдим этиш” мажбурияти ҳамда мазкур қонуннинг 33-моддасига мувофиқ аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари таркибиغا “бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисбот тузиш, шу жумладан молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисбот тузиш” хизмати киритилди [1]. Таъкидлаш жоизки, ушбу масалага Президентимиз томонидан 2017 йилда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартларини амалиётга жорий этишининг меъёрий-хуқуқий мезонлари белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” [2] номли асарида “илғор халқаро тажрибага мувофиқ инструментлардан фойдаланиш ҳисбига пул-кредит сиёсатини янада тақомиллаштириш, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш” вазифаси ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан

алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишини давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш” каби вазифалар қўйилган [3].

Бугунги аудиторлик амалиётида 48 номдаги аудитнинг халқаро стандартлари ва уларни амалиётга кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелда “Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 171-сон қарори қабул қилинди. Бу эса, аудиторлардан нафақат аудитнинг халқаро стандартларини, балки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари меъёрларини ҳам тўлиқ ўзлаштириш ва уларни амалда қўллай билиш каби малака талабларга эга бўлиш ҳамда аудиторлик ташкилоти ва аудиторлардан халқаро стандартлардан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибани тадқик этишни талаб этмоқда.

Фикримизча, МХХС ва АХС талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда улар аудитини амалга оширилишини таъминлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва аудиторлик ташкилотлари фаолияти учун қўйидаги имкониятлар яратилишини таъминлайди (1-жадвал).

1-жадвал

МХХС ва АХСни қўлланилиши имкониятлари

№	МХХС ва АХСни қўлланилиши натижасида эришиладиган имкониятлар
1	Фаолият натижаларининг очик(шаффофф)лиги даражасини янада ошириш имконияти
2	Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни унда акс эттирилган ахборотларни даврий ораликлар ҳамда турли корхоналар бўйича кўрсаткичларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш

3	Инвесторлар, акциядорлар ва кредиторларнинг корхона молиявий фаолиятига ишончи ортиб, корхонага сармоя киритиш ҳамда кредит ажратиш каби имкониятлар даражасининг кенгайиши
4	Халқаро талабларга мувофиқ келувчи ахборотдан фойдаланилиши натижасида корхонада хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик имкониятлари кенгайиб, улар фаолиятига четдан инвестициялар оқимини кучайиши
5	Халқаро меъёрларга мувофиқ келувчи молиявий ахборотларни шакллантирилганлиги туфайли корхонанинг халқаро муносабатлар, турли биржалар ва халқаро капитал бозори иштирокчисига айланиши
6	Корхона таъсисчилари ва бошқарув раҳбариятини самарали қарорлари учун ишончли, объектив ва тизимли молиявий ахборотлар билан таъминлаш имконини юзага келтиради
7	Корхона фаолиятини молиявий жиҳатдан режалаштириш ва унинг келгуси фаолияти ривожланишини олдиндан баҳолаш учун зарур ахборотлар билан таъминлаш имконияти
8	Корхона бошқарув тартибини такомиллаштириш, унинг маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) сифатини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш орқали унинг бозорда рақобатбардошлигини янада ошириш
9	Корхона фаолиятида коррупсия, сустеъмол, мулк ва маблағларни талон-тарож қилиш ёки ўз манфаати йўлида фойдаланиш, даромад(фойда)ни яшириш ва банкротлик ҳолатларини камайтириш
10	Ишончли ахборотлардан фойдаланилиши ва бошқарув қарорларини қабул қилиниши натижасида рағбатлантириш ва фаолиятдан манфаатдорлик даражасини ошириш
11	Корхона бошқарувида ишончли ва кафолатли ахборотлардан фойдаланилиши натижасида самарали назорат тизими шаклланиб, корхона ишчи ва хизматчиларида корхона фаолиятига нисбатан

	муносабатни ижобий томонга ўзгариши
12	Корхона ишчи ва хизматчиларида ўз касбий малакасини оширишга нисбатан ижобий муносабат ва қизиқиш кучайиши ва бошқалар

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳисоб ва аудит тизимида халқаро стандартлардан фойдаланиш аудитордан мазкур стандартлар асосида аудиторлик текширувани ташкил этиш ва ўтказиш услугиятини тўлиқ ўзлаштиришни талаб этиб, аудитор молиявий ҳисбот трансформациясини амалга ошириш ва МХХС асосида молиявий ҳисбот тузиш каби икки турдаги асосий хизматни амалга ошириши бугунги давр талаби ҳисобланади.

МХХС ВА АХСЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

МХХСлар асосида молиявий ҳисботни шакллантириш ва уни АХСлар асосида тайёрланган аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари, ҳисоб сиёсатида МХХС асосида молиявий ҳисботни шакллантириш бўйича қоидаларни акс эттирилмаслиги ёки амалдаги халқаро стандартлардан бошқа меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаганлиги

МХХС ва АХСлар талаблари мазмунини тўлиқ ўзлаштирган мутахассисларнинг етарли эмаслиги сабабли МХХС ва АХСлар бўйича мутахассислардан фойдаланиш, мутахассисларни тайёрлаш, ҳисоб ва аудит тизими ахборотларини халқаро стандартлар асосида шакллантириш имкониятининг мавжуд эмаслиги

МХХСлар асосида бухгалтерия ҳисобини амалга оширишда иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобида мулк ва маблағларни амалдаги ҳақиқий қиймат бўйича ҳисобга олиш тамойилларининг амал қилиши ва бошқалар

2-расм. МХХС ва АХСларни амалиётга жорий этиш муаммолари ва уларни қўлланилмаслиги оқибатлари

Президентимизнинг ПҚ-4611-сон қарорини қабул қилиниши, аудитор бир пайтнинг ўзида икки турдаги хизматларни яъни аудиторлик текширувани амалга ошириш хизмати ва миллий қонунчиликка мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисботни молиявий МХХС талабларига мослаштириш (трансформация) хизматига бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Бизнингча, ҳозирги давр ҳисоб ва аудит амалиётида МХХС ва АХСларни амалиётга

жорий этиш муаммолари ва қўлланилмаслиги оқибатида юқоридаги муаммолар юзага келмоқда (2-расм). Юқоридаги расмдаги каби муаммоларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда бугунги кунда МХХС бўйича мутахассис кадрларнинг этишмаслиги сабабли, Ўзбекистон ҳисоб тизимида МХХС асосида молиявий ҳисоботларни шакллантиришда асосан молиявий ҳисобот трансформацияси усули кенг қўлланилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677 сон қонуни www.lex.uz
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январ.-Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017, - 104 б
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича харакатлар стратегияси. 2017. www.strategy.regulation.gov.uz
4. Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Shavkat Bayramovich Babaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). TAX RELATIONS IN BUSINESS ENTITIES PROVIDING NON-STATE EDUCATIONAL SERVICES. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 25, 123–134.
5. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To‘raevich Jumaniyazov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. European Scholar Journal, 5(3), 5-8.

6. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. Science and Education, 3 (5), 1646-1654.

